DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7638235 Pages: 838-841





WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ХИВА ХОНЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ЎРГАНИШДА АЁЛ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ЎРНИ

Абдухалилова Азиза Эркиновна
ТДШУ таянч докторанти
baxtiyorovich91@bk.ru

Калит сўзлар. Закот, солғут, патак пули, тарозу пули, даллол ҳақи, божмон хаки, муанат пули, О.Шайхова, С.Сабурова, О.Масалиева, С.Маткаримова, С.Тураева, Ю.Рахманова, Н.Аллаева.

Аннотация. Ушбу мақола Хива хонлигини солиқ сиёсатининг совет ва мустақиллик даври тадқиқига бағишланган. Совет даври ва мустақиллик йилларида юртимиз аёл тадқиқотчилари томонидан Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий тарихи ўрганилган. Бошқарув тизимидаги ўзгаришлар, солиқ идораларининг ташкил этилиши, ягона божхона тизимига ўтилиши архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган.

THE ROLE OF WOMEN RESEARCHERS IN THE STUDY OF THE TAX SYSTEM OF THE KHIVA KHANATE

Keywords. Zakat, solgut, patak puli, tarzu pulli, dallol pay, bojman haqi, muanat puli, O.Sheykhava, S.Saburova, A.Masaliyeva, S.Turaeva, S.Matkarimova, N.Allaeva.Yu.Rahmanova.

Annotation. This article is devoted to the study of the Soviet and independence period of the Khiva Khanate tax policy. During the Soviet period and the years of independence, the socio-economic history of Khiva Khanate was studied by female researchers of our country. Changes in the management system, the organization of tax offices, the transition to a single customs system are analyzed on the basis of archival documents.

РОЛЬ ЖЕНЩИН-ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ В ИЗУЧЕНИИ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА

Ключевые слова. Закят, солгут, патак пули, тарозу пули, даллол хаки, боджман хаки, муанат Поли, О.Шейхова, С.Сабурова,

Аннотация. Данная статья посвящена изучению налоговой политики Хивинского ханства советского периода и периода независимости. В советский период и годы независимости социально-экономическая история Хивинского ханства изучалась женщинами-

А.Масалиева, С.Маткаримова, Ю.Рахманова, С.Тураева, Н.Аллаева. исследователями нашей страны. Изменения в системе управления, организации налоговых инспекций, переходе на единую таможенную систему анализируются на основе архивных документов.

Мустақиллик жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, ижтимоий фанларда ҳам туб ўзгаришларга олиб келди. Энг аввало, уларнинг назарий-услубий асослари янгиланиб, мустақиллик даври тарихшунослигида тадқиқ этаётган масала илмий билишнинг холислик тамойиллари асосида таҳлил қилинаётганлиги билан характерланади.

Мустақиллик даври тарихшунослигида Хива хонлиги иқтисодий тарихи кам ўрганилган соҳалардан бўлиб, баъзи аёл тадқиқотчилар изланишларида ушбу масала қисман акс этган.

Ижтимоий-иқтисодий тарихни ёритишда ҳуқуқий ҳужжатларни тадқиқ этган А.Шайхова Хива хонлигида ер эгалигининг турини давлат, мулк(хусусий) ва вақф мулклари мавжуд бўлганлиги, солиқ масаласи ҳам ер эгалигининг турига қараб ўзгариб борганлигини таъкидлайди. Тадқиқотчи Хива хонлигига оид ҳужжатларни ўрганиш натижасида хонликда 4 тилло ёрлиқона (ёрлиқ берилгани учун) ва 2 танга котибона (ёрлиқни ёзганлиги учун), ушбу амалиёт 2-марта ёрлиқона олаётган шахсга нисбатан 8 тилло 4 танга миқдорда тўлов ундирилган.[3] Тадқиқотимиз жараёнида ўрганилган архив ҳужжатлари ушбу маълумотларни тасдиқлайди ва бу солиққа тортиш шақли ёрлиқли мулк шакли учун хос бўлганлиги аниқланди.

Мустақиллик даври тадқиқотларнинг муаммовий доираси кенгайиб, Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, солиқ тизими тарихи доир кўплаб масалалар С.Сабурова[6], О.Масалиева[8], С.Маткаримова[9], Ю.Рахманова[5], С.Тураева[7], Н.Аллаева[10], С.Шодмонова[4]ларнинг ишларида намоён бўлади.

С.Шодмонова томонидан Туркистон даврий матбуоти саҳифаларида ўлкадаги молия тизими ҳолатининг ёритиш жараёнида банк, кредит ва солиқ

тизими масалаларини таҳлил қилиб, сохага оид муҳим маълумотларни қайд этган[4].

Хивада Қўнғиротлар сулоласи даврида ер эгалиги ва солиқ масалалари тўғрисида маълумот берувчи яна бир тадқиқотчи С.Сабурованинг ишида намоён бўлади. Муаллиф Хива хонлигида вақф ерларидан солиқ олинмаганлиги ёки ер эгалиги 5 тури (давлат, подшолиқ, атойи, ёрлиқли, вақф) бўлганлиги каби бир қанча чалкаш фикрларни келтиради[6].

Хива хонлиги ер эгалиги масалаларини тадқиқ этган У.Абдурасулов ишларида XVIII- XIX асрларда хонлик эр эгалиги муносабатлари, шу билан бирга ердан олинган солиқлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Шу билан бирга ер эгалиги турлари, хусусий мулк шакллари- атойи мулк ва ёрлиқли мулк ерларининг фарқли жиҳатлари, улардан олинадиган солиқларнинг ўзига хос жиҳатлари, диний муассаса ерлари-вақф мулклари, ижара шартлари ва унинг солиқ тизими чуқур таҳлил этилган.

Шунингдек, С.Тўраева Хива хонлиги хунармапдчилик тарихи соҳасидаги изланизлари жараёнида хунармандчилик турлари, хонлик бозорлари, карвонсаройлар ва уларда олинган солиқ турлари ҳақида умумий маълумотлар бериб боради. Хива Ичан қалъа Музей қўриқхонасида сақланаётган XIX аср ўрталарига оид ҳужжатда сарой бозорда дўкондор савдогарлар рўйҳати келтирилган. Хива бозорларида дўкондорлардан йилига бир тилло, ўз дўконига эга бўлмаса 0.5 шохи, хунармандларнинг дўкон устахонасидан бир йилга бир пухта тилло “тагижой” олинган[7].

Юқорида кўриб чиқилган адабиётлар таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, мустақиллик йилларида Хива хонлиги тарихини ёритишда эркак тадқиқотчилар билан бир қаторда аёл тадқиқотчилар ҳам самарали фаолият юритган. Уларнинг илмий изланишларида хонлик тарихининг турли жабҳаларини ёритиш жараёнида солиқ масалаларига ҳам қисман ўрганилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1]. ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 8- йиғма жилд

[2]. 2.ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 14- йиғма жилд

[3]. 3.ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 18- йиғма жилд

[4]. 4.Шодмонова С. Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Т. 2011. Б.296

[5]. 5.Рахманова Ю.М Хива шаҳрининг XVI – XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти: анъана ва ўзгаришлар.: Тарих фан. номз. … дисс. – Т., 2009. –Б. 180 .

[6]. 6.Сабурова С.А. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлиги давлат тузими. Тарих фан. номз. …дис. – Т., 2004. – Б.204.

[7]. 7.Тўраева С. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср 70-йилларида Хива хонлиги ҳунармандчилиги тарихи. . Тарих фан. номз. … дисс. -Т., 2012.Б.146

[8]. 8.Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи.: Тарих фан. номз. …дисс. – Тошкент, 1999. – Б.165.

[9]. 9.Маткаримова С.М.Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихшунослиги. Тарих фан.номз.дисс. – Т., 2010. Б.170.

[10]. 10.Аллаева Н. XVI - XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихи. Тарих фан. доктор. дисс. – Т., 2019. –Б. 288